

ВИРТУАЛ НУТҚИЙ МУЛОҚОТНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАМОЙИЛЛАРИ

Халилова Рухсора Рауповна,

*Бухоро давлат университети, филология фанлари бўйича фалсафа
доктори, катта ўқитувчиси.*

Аннотация. Нутқий мулоқот лисоний вербал воситаларининг ахборот бериш имконияти ва лисоний новербал воситаларининг лингвистик моҳияти – грамматик тизимдаги ўрни масаласига эътибор қаратилган. Виртуал нутқий мулоқот одамларнинг мулоқотини янги даражага олиб чиқди. Виртуаллик, коммуникаторларнинг тенг ҳуқуқлилиги; гипертекст услуги каби компьютер нутқининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида мушоҳада юритилган. Мақолада мулоқотни ташиқил этишининг параметрларини ҳисобга олган ҳолда манзилга эътибор (оммавий ёки шахсийлаштирилган йўналиш), алоқа йўналиши, вақтинчалик йўналиш (синхрон / асинхрон алоқа), интерактивлик даражаси (адресатларнинг хабарга муносабати тезлиги), тартибга солиш (хабар шакли / мазмуни учун қатъий талабларнинг мавжудлиги) хусусида асосли фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: нутқий мулоқот, виртуал нутқий мулоқот, мулоқот жараёни, коммуникатив майдон, форум, ижтимоий тармоқ, блог, аудио-визуал мулоқот, интернет.

КОНКРЕТНЫЕ ПРИНЦИПЫ ВИРТУАЛЬНОЙ РЕЧЕВОЙ КОММУНИКАЦИИ

Халилова Рухсора Рауповна,

*Бухарский государственный университет, доктора философии
(PhD) по филологическим наукам старший преподаватель*

Аннотация. В статье акцентируется внимание на возможности информационных вербальных средств речевого общения и лингвистической сущности языковых невербальных средств - их месте в грамматической системе. Виртуальное речевое общение подняло человеческое общение на новый уровень. Виртуальность, равенство коммуникаторов; наблюдение об особенностях компьютерной речи, например о стиле гипертекста. В статье делается акцент на адрес (массовое или персонализированное направление), направление общения, временное направление (синхронное / асинхронное общение), уровень интерактивности (скорость ответа получателей на сообщение), регулирование (наличие жестких требований к форме / содержанию сообщения) с учетом параметров организации связи. высказаны

обоснованные мнения.

Ключевые слова: речевое общение, виртуальное речевое общение, коммуникативный процесс, область общения, форум, социальная сеть, блог, аудиовизуальное общение, Интернет.

SPECIFIC PRINCIPLES OF VIRTUAL VOICE COMMUNICATION

Ruksora Raupovna Khalilova,

*Bukhara State University, Doctor of philosophy philological science
(PhD) Senior Lecturer*

Annotation. The article focuses on the possibilities of informational verbal means of speech communication and the linguistic essence of linguistic non-verbal means - their place in the grammatical system. Virtual verbal communication has raised human communication to a new level. Virtuality, equality of communicators; observation about the features of computer speech, for example, about the style of hypertext. The article focuses on the address (mass or personalized direction), direction, time direction (synchronous / asynchronous communication), the level of interactivity (the speed of recipient response to the message), regulation (the presence of strict requirements for the form / content of the message), taking into account the parameters of the organization of parameters communication. reasoned opinions expressed.

Key words: speech communication, virtual speech communication, communicative process, communication area, forum, social network, blog, audiovisual communication, Internet.

Жамият аъзоларининг мулоқотини ўзаро алоқа аралашувисиз ва уларнинг бир-бирига таъсирини фикр алмашиш (ахборот бериш ва ахборот олиш)сиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу сабабли «Нутқий мулоқот» деган тушунча ортиқчадай туюлади. Мулоқотнинг таркибий қисмида нутқ, фикр алмашиш, ахборот бериш мужассамлашган. Лекин нутқий мулоқот (русча: «речевое общение», инглизча: «diskurs») прагматикада кенг тарқалган атамалардан бири. Фикр баён қилиш жараёни, шубҳасиз, кўп ҳолатларда лисоний имкониятларнинг ёзма ёки оғзаки шаклда моддий воқеланиши билан боғлиқ. Лекин лисоний бирликларнинг воқеланиши билан боғлиқ бўлмаган мулоқот турлари ҳам оз эмас[14]. Шунга кўра, лисоний воситаларнинг моддий шаклда воқеланмаган мулоқот турлари нутқсиз мулоқот деб баҳоланади. Анъанамизда, ҳатто шариат аҳкомларида «Сукут – аломати ризо» этик-эстетик тамойили ҳам мавжуд бўлиб, у ҳам сўзсиз мулоқотнинг бир

кўриниши сифатида баҳоланиши лозим. Ёзувчи Тилаволди Жўраевнинг «Шароит» номли ҳикоясига эътиборни қарасак:

машинада алланечук сукунат зоҳир эди. Бу асло араз, гина, ўпка, таъна, маломат сукути эмасди. Бу сукут – роз сукути эди... (Жўраев Т. Қишлоқликлар).

Яна бир намуна: Ю.Солнцеванинг «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» кўп қисмли кинофильмида Берлиндаги «Элефант» қаҳвахонасида разведкачи Штирлицнинг уни кўриш учун келган хотини билан сўзсиз – тасодифан бирга ўтирган кимсалар сифатидаги – мулоқоти, учрашуви ҳам бунга мисол бўла олади. Бу мулоқот Штирлиц учун ҳам, унинг хотини учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган учрашув эди. Бу учрашув ҳар иккала томоннинг соғ-саломат, бир-бирини соғиниб кўмсаётганлиги ҳақида ахборот беради. Дарҳақиқат, бу ахборот сўзсиз – лисоний воситаларсиз берилган, қабул қилинган мулоқот эди.

Мулоқот кўп ҳолларда вербал, яъни сўз, лисоний воситалар орқали ва новербал, сўзсиз – новербал воситалар (имо-ишора, ҳар хил белги, нишона, рамз, символлар) орқали ахборот бериш билан боғлиқ бўлиб, бир-бирига таъсирига кўра вербал ёки новербал мулоқот сифатида тасниф қилинади [15].

Нутқий мулоқот деганда мулоқот жараёнида лисоний вербал ва новербал воситаларнинг (биргаликда) ҳамкорликда ишлатилиши тушунилади. Бу нутқий мулоқотнинг энг биринчи ўзига хослигидир. Масалан, «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотуху» иборасини вербал қўллаган шахс, албатта, шу вербал формулага мос маънавий-маданий савияга – тегишли ёш, насл-насаб, кийим-бош, ижтимоий мавқе кабиларга эга бўлиши билан бирга, бу иборани махсус жест (ҳаракат) лар билан ҳамкорликда ва махсус тингловчиларга нисбатангина қўллай олади. Мисол:

Шайх сўрига чиқиб, меҳмонларни икки ёнига ўтқазгач, бошланглар, деб ишорат этди. Жарчилар югуришиб, ахийлар оқсоқоли ёнига келишди: бирининг кўлида бир коса сув, бирининг кўлида чарм туздон бор эди. Оқсоқол сувга туз солиб, косани баланд кўтарди:

– Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотуху!

– Ваалайкум ассалом! – жавоб берди шайх.

(Радий Фиш. Жалолиддин Румий)

Бу лавҳадан кўриниб турибдики, нутқий фаолият лисоний, этик, эстетик, миллий, маънавий-маданий, ижтимоий, каузал (сабаб, оқибат, мақсад) ва ҳоказо омиллар мажмуаси билан узвий боғлиқ. Лекин нутқий мулоқотнинг хусусий прагматик атамасини талаб қиладиган асос фақат шугина эмас – нутқий мулоқот семиотик тизимлардан фойдаланишнинг ўзига хос тури сифатида ҳам ажралиб туради. Бу хусусият нимада? Тил

курулишига кўра семиотик система бўлса ҳам[11], у бошқа семиотик системалардан жиддий фарқ қилади[11]. Бу фарқлардан асосийси сифатида олимлар уч хусусиятни яқдиллик билан алоҳида кўрсатадилар. Булар куйидагилар:

1. Тил қолган барча ижтимоий соҳавий семиотик системалар учун асос бўла олади. Шунинг учун тилни уларни бемалол алмаштирадиган умумий, бирламчи ижтимоий семиотик система, бош, асос система дейиш мумкин.

2. Тилда бошқа барча семиотик системалардан фарқли ўлароқ белгида ифодаловчи ва ифодаланмиш орасидаги боғланиш асимметрик дуалистик табиатлидир. Бир шакл/ифодаловчи бир неча мазмун/ифодаланмиш билан алоқадор бўлиши билан бирга, бир хил мазмун/ифодаланмиш ҳар хил шакл/ифодаланмиш билан боғлиқ бўлиши мумкин[4].

3. Тил белгилари ўз-ўзидан ривожланиш хусусиятига эга.

Тил рамзлари учун онтологик (табиатан) хос бўлган бу хусусиятлар нутқий фаолият учун хос бўлмайди. Айрим тадқиқотчилар «мулоқотда белги бўлмайди»[10] дея мулоқот жараёнини, жумладан, нутқий мулоқотни семиотик тизимдан четга чиқарадилар. Ҳақиқатан ҳам, нутқий мулоқотда лисоний белгиларда ижтимоийлик маълум даражада сўнган бўлади. Мулоқотда бўлган шахслар умумижтимоий рамзларни тушуниб олишга шартланган бўлишлари мумкин. Бу хусусият, асосан, арго ва жаргонларда, терминларда ёрқин намоён бўлади[6,10,13,17]. Масалан,

Хужра эшиги тақиллаши билан Махсум сўздан тўхтади.

– Хўш! – деди Ҳайит эшикка қараб. Бу Бухоро мадрасалари истилоҳича, «Марҳамат, кираверинг» деган гап эди. Аммо тақиллатувчи бу сўзнинг маъносини тушунмаган бўлса керак, эшикни очмасдан такрор тақиллатди.

– Марҳамат, кираверинг! – деди хужра эгаси. (Айний С. Дохунда.)

Асарда хўш, марҳамат, кираверинг каби бирликларнинг антоними ҳам қўлланилган:

Ош ейилиб бўлгач хужра эшиги тақиллади.

– Рухсат йўк, парҳез! – деди Бўри.

– Мен – мадраса сўфиси, – деди тақиллатган киши, – мадраса дарвозаси олдига бир дохунда келиб, Исомиддин махсумни сўраяпти, ўшани олиб келдим.

– Хўш, дохундани қолдир. Ўзинг қайтиб кет! Рухсат йўк, парҳез! – деди яна Ҳайит. (Айний С. Дохунда.)

Мадраса одати бўйича хужра эшигини тақиллатган киши қабул қилинмаса, парҳез сўзи билан жавоб берилар эди (парҳез сўзининг

асл маъноси «диета» – «маълум турдаги овқатларни емаслик»). Агар у киши қабул қилинса, хўш овози эшитилса-да, эшикни яна тақиллатиш мадрасадаги ана шу жаргон сўзнинг маъносини тушунмаслик билан боғлиқ.

Нутқий мулоқот (НМ)да рамзнинг рамзли эканлиги ҳам анчагина шартли. У маълум бир жамият учун тайёрлиги, мажбурийлиги ва умумийлигини юқорида кўриб ўтган мисолдагидек маълум даражада йўқотган бўлиши ҳам ёки бошқача мазмун-моҳият касб этган бўлиши ҳам мумкин.

Нутқий мулоқот, биринчидан, мазмун, моҳият, мақсад, шакл ва шароит жихатдан жуда турлича бўлади. У тасодифий, режалаштирилмаган (масалан, кўчада учрашиб кўришиш ва саломлашиш ҳамда чойхонадаги тасодифий коммуникантлар орасидаги суҳбат каби) ва мақсадли, пухта режалаштирилган (масалан, аудиториядаги илмий маъруза, телевизор/радио орқали бериладиган махсус мақсадли суҳбатлар) кўринишларда воқеланади.

Мулоқотнинг яна шундай бир кўриниши борки, уни “виртуал нутқий мулоқот” деб аташ мумкин. Ахборот технологиялари ривожланиши билан турли хил глобал мулоқот имкони пайдо бўлди. Интернет пайдо бўлиши билан воситачилик алоқалари сезиларли даражада ошди, маълумотларни узатишнинг ҳар хил усуллари пайдо бўлди. Чунончи, электрон почта хабарлари, форумлар, ижтимоий тармоқлар, блоглар, чатлар ва бошқалар[7]. Виртуал нутқий мулоқот одамларнинг мулоқотини янги даражага олиб чиқади. Бу эса катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаш ва узатиш, он-лайн мулоқот қилиш, аудио-визуал мулоқот каналларидан фойдаланиш имконини бермоқда. Виртуал нутқий мулоқот бошқа мулоқот турларидан фарқли ўлароқ кенг микёслидир.

Виртуал нутқий мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар: виртуаллик - номаълум суҳбатдош билан мулоқот қилиш қобилияти; «масофада» туриб ахборот алмашиш қобилияти; коммуникаторларнинг тенг ҳуқуқлилиги; гипертекст услуги; махсус белгилар (кулгичлар) ёрдамида ҳиссиётларни ифодалаш; ундов ва савол белгиларини такрорий қўллаш, бир хил ҳарфни такрор ишлатиш, кўпол сўзлар ўрнига юлдузча белгиларидан фойдаланиш, матнда кўпинча қисқартмалар ишлатиш.

Виртуал суҳбат қуйидагича тавсифланиши мумкин: 1) мулоқотнинг оммавий характери; 2) алоқа йўналиши: кўпдан кўпгача; 3) синхрон алоқа; 4) хабар олувчига хабар беришнинг ўртача тезлиги; 5) хабар шакли ва мазмунига қатъий талабларнинг йўқлиги. Бугунги кунда янги электрон мулоқот муҳити шаклландики, бундай коммуникацион хизмат икки хил усулда амалага оширилади: бевосита (РС, чат) ва билвосита

мулоқот (электрон почта, форум, телеконференция)[1,2,5].

Бевосита коммуникацион хизмат усулидан бири бу – чат. У мулоқотни таъминлаб берувчи дастурий таъминот бўлиб, реал вақт тизимида Интернет тармоғи орқали хабарларни тезкор алмашиш воситасидир. Форумга нисбатан чат тизимида мулоқот қилиш ва хабарлар алмашиш реал вақт тизимида содир бўлади. Чат сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, «дўстона суҳбат, ҳангома» - электрон суҳбатлар, реал вақтдаги компьютер мулоқоти каби маъноларни англатади. Чат-бу бир вақтнинг ўзида бир неча фойдаланувчининг Интернет орқали мулоқотидир[5]. Бунда фойдаланувчилар Интернет орқали сўзлашади, яъни матн ёзишиш орқали янгиликлар билан алмашади, бирор мавзунини муҳокама қилади ёки ўзаро гаплашади. Бундай виртуал коммуникатив майдонда барча фойдаланувчилар ўзаро ёзув кўринишидаги хабарларни алмашиш орқали мулоқот қилади. Виртуал коммуникатив майдонда нутқий дискурс деганда икки ёки ундан ортиқ фойдаланувчиларнинг бир вақтни ўзида, бир-бирлари билан интернет тармоғи орқали мулоқот ўрнатиши, фикр алмашиши тушунилади. Виртуал коммуникатив майдонда фойдаланувчиларнинг жойлашув ўрни, яъни фойдаланувчилар қаерда бўлиши аҳамиятли эмас. Фақат куйидаги махсус дастурлардан бир бўлиши шарт: Скайп, Мейл Агент, Google Talk, ICQ каби. Виртуал коммуникатив жараёнда микрофон ва эшитиш қурилмасини компьютерга улаган ҳолда ва дастурлар ёрдамида фойдаланувчилар сўзлашиб мулоқот қилишлари мумкин.

Чат ҳам оддий нутқий мулоқот каби уч таркибий қисмдан иборат: мулоқотни бошлаш, мулоқотни саклаш ва мулоқотни якунлаш каби. Фойдаланувчи ўзбек тили чатининг виртуал мулоқот маконида ўз борлигини ифодаловчи тил ва прагматик қоидаларига асосланиб мулоқотни амалга оширади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсаки, кишилар ўртасида оғзаки ва ёзма шакллардаги ўзаро мулоқот масалалари файласуфлар, социологлар ва тилшунослар томонидан қайта-қайта кўриб чиқилиши, нутқий мулоқот назариясининг пайдо бўлиши ва янада ривожланишига олиб келади. Жаҳон компьютер тармоғи турли этник ва маданий жамоалар вакиллари ўртасида мулоқот учун янги имкониятлар эшигини очиб берар экан, Интернет тилшуносликда тил ва маданият муаммосини ёритиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжудлигини тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Галичкина, Е. Н. Компьютерная конференция в системе жанров компьютерного общения. Межвузовский сборник научных трудов - Саратов: Изд-во «Научная книга», 2003. - Выпуск 9. - С. 276-280.

2. Демьянков, В. З. Интерпретация, понимание и лингвистические аспекты их моделирования на — М.: Изд-во Моск. ун-та, 1989.- 172 с.
3. Жичкина, А.Е. Социально-психологические аспекты общения в Интернете [http:// floqiston.ru/projects/articles/strategy.shtm/](http://floqiston.ru/projects/articles/strategy.shtm/).
4. Карцевский С. Об асимметричном дуализме лингвистического знака // Звегинцев В.А. История языкознания в очерках и извлечениях. Ч.II. –Москва: Просвещение, 1965. –85 с.
5. Кремлева, С. «ЧАТ» как разновидность виртуального общения // <http://sociology.extrim.ru/dip/start.htm>
6. Лошманова Л.Т. Жаргонизированная лексика в бытовой речи молодёжи 50-60-х годов. Автореф.дисс...канд.филол.наук. –Ленинград, 1975.-С.57-59.
7. Овчарова, К. В. Электронный дискурс: общая характеристика // Лингвистическая организация дискурса: функциональные и содержательные аспекты : Межвуз. сб. тр. молодых ученых. — Краснодар, 2004. - Вып.1. - С. 108-113.
8. Миртожиев М.,Махмудов Н. Тил ва маданият.– Тошкент: Ўзбекистон, 1992.– 110 б.
9. Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари:Филол.фан.д-ри. ... дисс. –Тошкент, 2000. –Б. 198-204.
10. Почепцов Г.Г. О месте прагматического элемента в лингвистическом описании // Прагматические и семантические аспекты синтаксиса. –Калинин: КГУ, 1985. –С. 12-18.
11. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – Москва: Наука, 1971. –С. 95.
12. Соссюр Ф. Труды по языкознанию. –Москва: Прогресс, 1977. –С. 52.
13. Стратен В.В. Арго и арготизм. – В сб.: «Труды комиссии по русскому языку». –Ленинград, 1931.-С.91-98
14. Тоирова Г.Этносоциопрагматика ёки прагматикосоциолингвистика ҳақида. БухДУ илмий ахбороти. 2008, № 1. –Б.53-55.
15. Тоирова Г. Нутқий мулоқотнинг лисоний вербал ва лисоний новербал воситалари хусусида (саломлашиш мисолида). БухДУ илмий ахбороти. 2018, № 1. –Б.67-74.
16. Формановская, Н. И. Речевой этикет и культура общения. - М.: Высшая школа, 1989. - 415 с.
17. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. –Тошкент: Фан, 1982. –Б. 43-53.